Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 5-fevral, seshanba № 15 (3208)

УСТЮРТ ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИНИ ҚУРИШ ЛОЙИҲАСИГА ЮКСАК ХАЛҚАРО МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Илгари хабар берилганидек, «Reuter Thompson» жаҳондаги етакчи ахборот агентлигининг нуфузли халқаро нашри — «Project Finance International» Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳасини лойиҳавий молиялаш битимини нефть-кимё ва газ-кимё секторидаги 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этганди.

2013 йил 30 январ куни Лондонда «Project Finance International» мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда юксак мукофот «Ўзбекнефтгаз» МХК ҳамда лойиҳани амалга ошириш учун ташкил қилинган Жанубий Кореянинг «Kogaz», «Lotte Petrochemicals» компаниялари ва «Uz-Kor Chemicals» қўшма корхонаси консорциуми вакилларига топширилди.

Нуфузли «Хилтон Парклейн» меҳмонхонасида бўлиб ўтган тантанали тақдирлаш маросимида бутун дунёдан энг муҳим инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этадиган энг йирик халқаро экспорт-импорт агентликлари, инвестицион ва тижорат банклари, консалтинг компаниялари ва юридик фирмаларнинг 400 нафардан зиёд вакиллари қатнашди.

Тақдирлаш маросимини очар экан, «Project Finance International» PFI нашрининг бош муҳаррири лойиҳавий молиялашнинг бой тарихи мобайнида Ўзбекистоннинг лойиҳаси илк бор тақдирланаётганини алоҳида таъкидлади. Айни пайтда Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишини лойиҳавий молиялаш нафақат Ўзбекистон, балки бутун МДҲ газ-кимё сектори учун бу турдаги илк битим эканини қайд этди. Айнан ушбу факт лойиҳанинг инновационлиги билан бирга, уни йилнинг энг яхши битими, деб топиш учун асос бўлди.

Тадбир ташкилотчилари, сўнгги йилларда кузатилаётган жаҳон молия бозорларидаги беқарорлик ва юқори даражали ноаниқликка қарамай, Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳаси учун Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг суверен кафолатисиз 2,54 миллиард доллар миқдоридаги кредит маблағларининг жалб этилиши алоҳида эътирофга сазовор эканлигини таъкидлади. Ушбу битимнинг бундай юксак муваффақияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган ислоҳотлар, «ўзбек модели»нинг юқори самарадорлигидан яна бир далолатдир.

Ўзбекистонда ислоҳотларнинг самарали амалга оширилиши натижасида сиёсий, ижтимоий ва макроиқтисодий барқарорлик тобора мустаҳкамланмоқда, хорижий сармоядорлар ва кредиторларнинг мамлакатимизга инвестиция киритишга интилиши ва қизиқиши ортмоқда. Ушбу омил Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши баробарида, халқаро сармоядорлар ва кредиторлар учун қулай шарт-шароит яратиш, мамлакатимизда ўз соҳасининг етакчи халқаро компаниялари иштирокида лойиҳавий молиялаш асосида кенг кўламли саноат лойиҳаларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишини лойиҳавий молиялаш битимига берилган ушбу юксак мукофот етакчи халқаро инвестицион банклар, хорижий сармоядорлар ва кредиторларнинг эътиборини ўзига кенг жалб қилди. Уларнинг вакиллари тантанали маросимда Ўзбекистоннинг лойиҳалари халқаро миқёсда улкан эътибор қозонаётганлигини таъкидлаб, мамлакатимизда амалга ошириладиган янги йирик лойиҳаларда иштирок этишга тайёр эканликларини билдирдилар.

ЎзА



● Андижон шаҳридаги «Уз-Тонг Хонг Ко» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган спорт товарлари ҳажми тобора ортмоқда.

БОЗОР ТАЛАБИГА МУТАНОСИБ

Асосан автомобилларга ўриндиқлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу корхонада ички бозор талабидан келиб чиқиб, спорт товарларини тайёрлаш бўлимининг ишга туширилиши иқтисодий самарадорликнинг янада ошишига хизмат қилмоқда. 2012 йили корхонада 36 минг дона волейбол, баскетбол, футбол ва теннис тўплари тайёрланди. Қирққа яқин киши меҳнат қилаётган корхонада спорт пойабзали ва электр кўрпалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши натижасида янги иш ўринлари очилди.

Суратларда: ишчилар — Давронбек Қўлдошев, Зарина Ғаниева; (чапдан) ишчи Муҳаммадазиз Абдусаломов, бўлим бошлиғи Санъатбек Деҳқонов ва ишчи Икромжон Арипов.

Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎзА) олган суратлар

Янгиликлар оқимидан

АНДИЖОН

«Микрокредитбанк» нинг Пахтаобод тумани филиали мебел ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Комил нури сурури» хусусий корхонаси учун 66 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратди.

ЁҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЦЕХИ

Айни пайтда 30 турга яқин мебел маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, водий бозорларида сотилмоқда. Айниқса, мактаб партаси ва ҳарбий қисмлар учун махсус жиҳозларга талаб катта.

Яқинда ишлаб топилган маблағ ҳисобидан ёғочни қайта ишлаш цехи ишга туширилиб, яна 12 та янги иш ўрни яратилди.

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

ФАРҒОНА

Тошлоқ тумани иқтисодиёт коллежида «Йилнинг энг фаол китобхони» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

ЭНГ ФАОЛ КИТОБХОН

Унда китоб тарғиботига алоҳида ўрин берилди. Она-Ватан, истиқлол, бахтли болалик мадҳ этилган шеърлар ўқилди. Мафтуна Эсонова «Йилнинг энг фаол китобхони» деб топилди.

Ғолиб китобхонларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

СИРДАРЁ

Тадбиркор Олимжон Маматқулов қишлоқдошларига қулайлик яратишга бел боғлади. Банкдан 100 млн. сўм кредит олиб, бўш ётган бинони қайта таъмирлади ва «Орзу текстил СВ» МЧЖга асос солди. Болалар ва катта ёшдаги эркаклар учун кийим-кечаклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

КРЕДИТ ҲИСОБИГА

Шу тариқа Боёвут туманининг чекка бир қишлоғида фабрика иш бошлади. Натижада 80 нафар маҳаллий қиз-жувон бандлиги таъминланди. Корхонада тайёрланаётган кийим-кечак маҳсулотлари бежиримлилиги билан эътиборни тортяпти. Сифат жиҳатидан хорижникидан қолишмайди. Шу боис бу маҳсулотларга қўшни давлатларда ҳам талаб ортиб бораяпти.

Тадбиркор келажакда корхона фаолиятини янада кенгайтириш ниятида.

Анорбой НОРҚУЛОВ

БУХОРО

«Коракўл» насос станциясида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ

Бош пудратчи ташкилот — «Ўрта Осиё махсус монтаж» давлат бирлашмасига қарашли Бухородаги 4-махсус механизациялашган кўчма жамланмаси жамоаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг вилоятдаги 6-қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси, пойтахтдаги «Ўзсувлойиҳа» лойиҳа институти ва бир қатор ёрдамчи ташкилотлар билан ҳамкорликда 2,3 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 6 та насос агрегати ва 3 та ёрдамчи насос агрегати замонавийлари билан алмаштирилди.

Натижада Қоракўл ва Олот туманларида 30 минг гектардан ортиқ экин майдонида сув таъминоти яхшиланди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Иқтисодиёт

ЮКСАЛИШ САРИ

Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ҳамда пахта толасини мукаммал қайта ишлаш ҳисобига экспорт салоҳиятини ошириш йўлида республикамизда муайян тажриба тўпланди.

Бу ҳақда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти катта ўқитувчиси, техника фанлари номзоди Юсуф Маҳмудов шундай дейди:

— Енгил саноат корхоналарининг улуши мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб бешдан бир қисмини, Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган истеъмол моллари улушининг 55 фоизини ташкил этади. Муҳими, бу тармоқ аҳолининг кўпчилигини, айниқса, хотин-қизларни иш ўринлари билан таъминлаш имконини бераётир.

Собиқ тузум даврида Ўзбекистондан олиб чиқилган хом ашё бошқа иттифоқдош республикаларда қайта ишланиб, пахта толасига нисбатан бир неча бор юқори нархларда тайёр маҳсулот сифатида яна юртимизга олиб келинарди. Истиқлол шарофати билан ўзимиз етиштирган пахта толаси қайта ишланиб, корхоналаримизда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Тармоқ зиммасига республикада қайта ишланадиган пахта толаси ҳажмини 50 фоизга етказиш вазифаси юклатилган. Шунга кўра амалга оширилаётган сармоялар лойиҳаси пахта толасини мукаммал қайта ишлаб, ундан жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган истеъмол моллари ишлаб чиқаришга йўналтирилган.

Шу пайтгача енгил саноат корхоналари қурилишига 800 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий сармоя жалб этилди, 44 та лойиҳа амалга оширилди, Германия, Япония, Швейцария, Туркия, АҚШ каби давлатларнинг фирма ва компаниялари билан ҳамкорликда 25 та қўшма корхона ташкил этилди. Зеро, бундан буён Юртбошимиз таъкидлаганидек, « Биз пахта толаси билан эмас, балки барча ривожланган мамлакатлар каби, тайёр маҳсулотлар билан савдо қилишимиз керак».

Айни пайтда енгил саноат корхоналарида 195,7 минг тонна йигирилган ип, 504,5 млн. погон метр хом газлама, 452,2 млн. кв.метр тайёр газлама, 5 минг тонна жун аралашмасидан йигирилган ип, 2 млн. кв. метр гилам маҳсулотлари, 4,6 млн. погон метр хом жун газламалар, 6,9 млн. кв. метр тайёр жун газламалар, 23,7 минг кв. метр нотўқима матолар, 5 минг тонна момиқ, 222,3 млн. шартли ғалтакда тикувчилик иплари, 52,4 млн. дона трикотаж, 22,8 млн. жуфт пайпоқ буюмлари, кенг турдаги тикувчилик ва чинни маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Сўнгги йилларда тармоқ жадал ривожлана бошлади. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш 12 фоизга (105,1 млрд. сўм), саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми қиёсий нархларда 15 фоизга (267,5 млрд. сўм), экспортга сотиладиган маҳсулотлар миқдори 25 фоизга (123,7 млн. АҚШ доллари) ортди. Бундан ташқари, ички бозорни тўлдириш, экспортни кенгайтиришга катта эътибор қаратилиб, 356 хил янги турдаги енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

— Малакали мутахассислар тайёрлашда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг роли қандай?

— Айни чоғда хўжалик юритувчи ташкилотларда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш, мижозлар танлаш, харидорларнинг талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ўзгартириш ҳамда қайта созлаш имкониятлари бор. Институтимизда маҳсулотларнинг дизайни ва янги турларини яратишга қодир, замонавий технологик дастгоҳларни таъмирлаш — сервис масалаларини чуқур ўзлаштирган малакали кадрлар тайёрлаб, корхоналарга шартнома асосида юбориш масалалари ижобий ҳал қилинган.

Хорижий сармоялар ҳамда кредитларни жалб қилиб, малакали кадрлар тайёрласак, шунингдек, жаҳон андозаларига мос сифатли, рақобатбардош табиий маҳсулотлар ишлаб чиқара олсак, халқаро савдо алоқаларида имкониятларимиз янада кенгаяди.

Суҳбатдош: Нурбек ҚИДИРАЛИЕВ

Муносабат

ЭЗГУ ИШДА КАМАРБАСТАМИЗ

Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси жойларда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Маърузада ҳисобот даврида барча жабҳаларда юқори суръатлар кузатилгани, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш учун зарур шароитлар яратилгани таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича изчил ва аниқ мақсадга қаратилган ишлар амалга оширилганлиги чуқур таҳлил қилинди.

Айниқса, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига айлантирилгани эътиборга лойиқ. Жамғарма томонидан 154 та тиббиёт муассасасини қуриш ва реконструкция қилишга 255 млрд. сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Натижада 7,5 минг ўринга мўлжалланган шифохоналар ва бир сменада 11 минг кишини қабул қила оладиган амбулатория-поликлиника иншоотлари фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, ўтган йили тиббиёт муассасаларини замонавий даволаш ва ташхис асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун 8 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Айтиш жоизки, бундай эътибор инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, қолаверса, соҳа ходимларининг меҳнат шароитларини яхшилашга хизмат қилаётир.

Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида юрак қонтомир касалликларига чалинган беморларга жаҳон стандартлари даражасида ташхис қўйиш ва уларни даволаш имконини берадиган кардиожарроҳлик бўлимининг очилгани ҳам эътиборга сазовор.

Инвестиция дастурида кўзда тутилганидек, республика тасарруфидаги 12 та муассасада қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш учун 34 млрд. сўмга яқин маблағ ажратилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Ishonch
2013-yil 5-fevral № 15 (3208)

ЭЗГУ ИШДА КАМАРБАСТАМИЗ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

2012 йилда 51 та туман тиббиёт бирлашмасида қурилиш ишлари бошланиб, 11 тасида тўлиқ якунланди. Намунавий лойиҳа асосида қишлоқ ҳудудларида 28 та ҚВП барпо этилди. Бундан ташқари, 9 та оилавий поликлиника, 8 та ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказида қурилиш-реконструкция ишлари бажарилди.

Репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича «ўзбек модели» БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилганлиги соҳада қанчалар илгарилаб кетилганлигининг тасдиғидир.

Мамнуният билан айтиш лозимки, тизимдаги туб ислоҳотларни амалга оширишда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этаётир. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши ўртасидаги икки томонлама келишувга асосан ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, бандлик, меҳнат шароити, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазасига оид манфаатларини тўла қамраб олишга ҳаракат қилинмоқда. Кўплаб тиббиёт муассасаларида ходимларга қўшимча имтиёзлар берилаяпти.

Марказий кенгаш томонидан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида қатор ишлар бажарилди. Жумладан, оиланинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти юзасидан аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш мақсадида барча тиббиёт ҳамда олий ва ўрта махсус тиббиёт таълими муассасаларида касаба уюшмасининг «Маънавият соатлари» ўтказилди.

Ходимларнинг ҳуқуқий билимини ошириш борасида касаба уюшма мутахассислари иштирокида ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотлар ташкил этилди.

Марказий кенгаш бош ҳуқуқшуноси ҳамда ҳудудий бирлашма кенгашлари ҳуқуқшунослари меҳнат жамоаларида бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ёш оилаларга яратилган имтиёзлар бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришди. Бепул ҳуқуқий консултатив ёрдам кўрсатишди.

Ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида тармоқда ишловчиларнинг оилавий шароити мониторинг қилинди. Шу асосда кам таъминланган оилаларнинг 4420 нафарига 257 млн. 68 минг сўмлик, фарзанди 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар таътилда бўлган 263 нафар онага 17 млн. 550 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Касаба уюшмалари стипендияси жорий этилиб, олий ўқув юртлари ва коллежларда таҳсил олаётган 96 нафар кам таъминланган иқтидорли талабага 35 млн. 92 минг сўмлик стипендия берилди, олий тиббиёт Таълими муассасаларида ўқиётган 3 нафар талабага шартнома пулларини тўлашда кўмаклашилди.

Тиббиёт муассасаларидаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 3023 минг нафар фарзандига 86 178 350 сўмлик дарслик ва ўқув қуроллари совға қилинди.

Юртбошимиз аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшларни ишга жойлаштиришга уларда нафақат касб кўникмаларини эгаллаши, балки ҳаётда ўз ўрнини топиши, оиласига наф келтиришига ҳам кўмаклашиш зарурлигини алоҳида таъкидлайдилар.

Тармоқ касаба уюшмаси томонидан 200 нафардан ортиқ тиббиёт коллежи ўқувчисининг ёз мавсумида болалар соғломлаштириш оромгоҳларида амалиёт ўташига имкон яратилди. Битирувчиларнинг уч томонлама шартнома асосида ишга жойлаштирилиши назоратга олинди. Уларга яратилган иш жойларининг ишончлилигини таъминлаш устидан доимий мониторинг олиб борилмоқда. Тармоқ бўйича 1295 нафар коллеж битирувчисига 46 млн. 40 минг сўмлик моддий ёрдам берилди.

«Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. «Меҳрибонлик» уйлари, SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари тарбияланувчиларига 30 млн. сўмлик ҳомийлик кўмаги кўрсатилди. Бўка туманидаги «Бўстон» фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи тиббиёт ходими бўлган 120 нафар аёл ва уларнинг фарзандлари тиббий кўрикдан ўтказилди. Янги йил байрами муносабати билан «Меҳрибонлик» уйлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига совғалар улашилиб, маданий тадбирлар ташкил этиш учун 46 млн. 901 минг сўм сарфланди. Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Марказий кенгаш ўртасида 2013-2015 йиллар учун имзоланадиган Тармоқ келишувида ходимларнинг ижтимоий ҳимояси кўлами янада кенгаяди. Жумладан, «Меҳнатга ҳақ тўлаш, кафолатли тўловлар ва компенсация тарзидаги тўловлар» бандига ходимларнинг мурожаатига кўра ёки тегишли тиббиёт муассасаси касаба уюшмаси ташкилотининг ташаббуси билан (яқин қариндошларининг вафот этиши, оғир жароҳатлар олиши, касал бўлиши, табиий офатлар оқибатлари ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда) молиявий имкониятдан келиб чиқиб энг кам иш ҳақининг 2 баробаридан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам кўрсатиш киритилди. «Меҳнатни муҳофаза қилиш» бандидаги «Иш берувчининг мажбуриятлари» ҳам бойитилди. Эндиликда республикамизда тайёрланаётган ёки хориждан сотиб олинаётган ишлаб чиқариш воситалари ва технологияларини синаш, фойдаланишга қабул қилиш давлат комиссиялари таркибига Марказий кенгаш ёки ҳудудий бирлашма кенгашларининг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари ҳам жалб этиладиган бўлди.

Бундан ташқари, Тармоқ келишувидан «Аёллар меҳнатини тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар» банди ҳам ўрин олди.

Аҳамият берадиган бўлсак, йиғилишда Юртбошимиз асосий эътиборни ёшларга оид сиёсатга, тараққиётнинг модернизация йўлини қатъият билан давом эттиришга қаратди. Шуни ҳисобга олиб ушбу ҳужжатга «Ёшлар учун қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар» банди ҳам қўшилди.

Мазкур бандлар барча соғлиқни сақлаш муассасаларида қабул қилинаётган жамоа шартномаларига киритилиб, қонунчиликда белгиланган имтиёзлардан ташқари муассасанинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда аёллар ва ёшларга қўшимча имтиёзлар берилиши касаба уюшмаларининг назоратига олинди.

Шунингдек, тизимдаги коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, биринчи йил меҳнат қилаётган ёш мутахассисларни моддий қўллаб-қувватлаш, «Устоз-шогирд» хоналарини жиҳозлашга кўмаклашиш назарда тутилган.

Мажлисда 2013 йилда иқтисодиётни барқарорлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш бўйича галдаги вазифалар белгилаб олинди. Буларнинг бари, албатта, халқимизнинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилади.

Бахтиёр МАҲМАДАЛИЕВ,
Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси

Сифатли ва бежирим

Фарғона шаҳридаги «Ўзсаламан» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг сифатли пойабзаллари истеъмол бозорида харидоргир.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида йигирмага яқин турда ишлаб чиқарилаётган пойабзалларга талаб тобора ортиб бормоқда. Сабаби, улар сифатли ва бежирим, рақобатбардош ва нисбатан арзон.

Суратларда: «Ўзсаламан» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ишчиси Шерзод Жўраев, ишчи Ҳамрохон Умарова ва мутахассис Элёр Мамадалиев.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

Сарҳисоб

МАСЪУЛИЯТ ҲАРАКАТГА УНДАЙДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойида ўтган даврда тизимни такомиллаштириш ва оптималлаштириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, қуйи бўғин ташкилотлари фаоллигини кучайтириш, ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш, амалий ёрдам салмоғини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аграр тармоқда фаолият олиб бораётган касаба уюшма ташкилотлари фаолияти бошқа соҳаларга қараганда бир мунча мураккаб, албатта. Юмушлар тизгини кўп жиҳатдан мавсумларга боғлиқ. Белгиланган иш тартиби ва тури ҳам турлича. Шунга қарамасдан иш берувчилар билан тузилган жамоа шартномаларида меҳнаткашлар манфаати устуворлигини таъминлашга эришиб келаяпмиз. Деҳқон фермер хўжаликларида ишловчи ҳар бир ходим касаба уюшма аъзолигига жалб этилиб, манфаати ҳимояланмоқда. Бундан ташқари, далада ишловчиларнинг деярли барчаси меҳнат дафтарчалари билан таъминланган. Иш берувчилар зиммасига хавфсиз иш шароити яратиб бериш вазифаси юклатилган бўлиб, хусусан, трактор ҳайдовчилари иштирокида хавфсизликка доир ўқув машғулотлари ўтказиш мунтазамлилик касб этди. Эътиборли жиҳати, кўнгилсиз ҳолатлар содир этилмаганидир.

Ходимлар иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларни соғломлаштириш, дам олишларини ташкил этиш диққат марказимизда. Ўтган йили фермер хўжаликлари далаларида ишлаётган ходимларнинг 300 нафари юртимиздаги тарихий шаҳар ва табаррук қадамжоларда бўлиб қайтишди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида жамоа шартномалари ва келишувлар орқали 6 та кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди. 16 та хонадонга томорқа ерларига экиш учун уруғлик ва кўчат олиб берилди.

Ёшларни касбга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Ҳудуддаги барча коллеж ўқувчилари учун ўқув амалиёти ўташ, касб маҳоратини ошириш имконияти яратилган. Машина-трактор паркларида ўқув амалиёти учун синф хоналари, тажрибали мураббийлардан иборат устозлар гуруҳи шакллантирилган. Оилавий шароити ҳисобга олинган 8 нафар ўқувчига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида стипендия тўлови жорий этилгани ҳам айни муддао бўлди. Уч нафар кам таъминланган оила фарзандларига моддий кўмак кўрсатилди.

Касаба уюшмалари ва ҳудудда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда турли танловлар ташкил этилди. Ғолиблар касаба уюшмаси томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Мамарасул ҚУРБОНОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Оқдарё туман кенгаши раиси

Мажлис

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг VIII мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2012 йил якунлари ва 2013 йил учун белгиланган устувор вазифалар муҳокама қилинди. Мавзу юзасидан кенгаш раиси Б. Матяқубов маърузаси тингланди.

Ҳисобот даврида вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди.

Ижтимоий шериклик кўлами кенгайиб, давлат, нодавлат ташкилотлари билан қўшма тадбирлар режаси тасдиқланди. Вилоят ҳокимлиги, савдо-саноат палатаси ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича минтақавий келишув имзоланди.

Касаба уюшма фаоллари томонидан 247 корхонада яратилган 1328 та янги иш ўрнининг ишончлилиги ўрганилди. Ҳокимият, иш берувчилар, суд, прокуратура органларига 11 та мурожаат киритилиб, қатор масалалар ҳал этилди. Бундан ташқари, 94 та ёзма ва 111 та оғзаки мурожаат ўрганиб чиқилди.

Ўтган йилда жамоа шартномалари орқали 8836 та кам таъминланган оилаларга 28,9 млн сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. 468 нафар меҳнат фахрийлари, уруш қатнашчилари, ёлғиз кексалар, ногиронларга 46,8 млн. сўмлик ҳайрия ёрдами уюштирилиб, ушбу маблағнинг 10 млн. сўми касаба уюшмалари ҳисобидан амалга оширилди.

Олий ўқув юртларини тамомлаган, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирган 25514 нафар ёшларнинг иш билан таъминланишида кўмаклашилди.

Шунингдек, республика миқёсидаги санаторийларга 680 та йўлланма имтиёзли, жумладан 48 таси бепул ажратилди. Бошланғич ташкилотлар ихтиёрида қолдирилган қўшимча 3 фоиз аъзолик бадали ҳисобидан 150 дона имтиёзли йўлланма берилди. Ёзги мавсумда эса режадаги 12200 нафар ўрнига 12272 нафар бола оромгоҳларда соғломлаштирилди.

Ҳисоботда йўл қўйилган айрим камчиликлар, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Айтайлик, агросаноат мажмуи, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмалари тизимидаги аксарият бошланғич ташкилотларда жамоа шартномаларини тузиш, бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш, ҳисоботларни тақдим қилиш ишларига эътиборни кучайтириш таъкидланди.

— Ҳали амалга оширишимиз лозим бўлган ишлар кўп, — деди маърузачи. — Устувор йўналишларнинг ҳар бир касаба уюшма ташкилотига етиб боришини таъминлаш; корхона, ташкилот, муассасалар ходимлари ўртасида касаба уюшмалари афзалликлари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш; нодавлат сектори тизимидаги корхоналарда касаба уюшма ташкилотларини тузиш ишларини давом эттириш; минтақавий, тармоқ келишувларига, жамоа шартномаларига тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда касаба уюшмалари ва ҳокимият органларининг ўзаро ҳамкорлиги масаласини киритишни таъминлаш ва унинг амалда бажарилиши механизмини ишлаб чиқиш; янги иш ўринларини яратиш, «Бандлик» дастурини бажаришда касаба уюшмаларининг бевосита иштирокини таъминлаш, масъулиятини ошириш каби вазифалар шулар жумласидан.

Йиғилиш иштирокчилари кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар. Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Жараён

Икки йилки, кўкламни ўзгача интиқлик билан кутаман. Чунки туманимиз марказида яхши ниятлар билан касаба уюшма боғини ташкил этганмиз. Кўчатлар яхши томирлади. Ўтган йили ҳатто ўриклар гулладди. Ҳозир улар янада кўкка бўй чўзиб, танаси қувватланган.

ЎЗГАРИШЛАРДАН КУЧ ОЛИБ

Ҳар куни ишхонамга борар эканман, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини услубий таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳовлисидаги навниҳолларга боқиб, куч олгандек бўламан. Ажиб кўтаринки руҳ, аъло кайфият билан иш бошлайман.

2012 йилда касаба уюшмалари фаолияти қамрови янада кенгайди. Томорқалардан унумли фойдаланиш борасида аҳолига қатор қулайликлар яратилди, тарғибот ишлари олиб борилди.

Саломатлик — туман бойлик. Шундан келиб чиқиб, педагогларнинг 145 нафар фарзанди ёзги оромгоҳларда соғломлаштирилди. 72 киши сиҳатгоҳларда ўз саломатлигини мустаҳкамлади. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларига саёҳатлар уюштирилди.

Фуқароларнинг қонуний манфаатларига хизмат қилиш бош вазифамиз. Йил давомида рўйхатга олинган 120 та мурожаатнинг барчаси ижобий ҳал этилди. Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва корхоналар ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилиб, истеъдодли ёшлардан 12 нафарига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида моддий ёрдам берилди.

Аҳамиятли томони, бошланғич ташкилотлар ролини ошириш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилди. Намунали қўмиталар зарур меъёрий ҳужжатлар билан таъминланди. Хоналар ажратилиб, тўлиқ жиҳозланди. Иш юритиш ҳам Устав талаблари асосида йўлга қўйилиб, бу жараён бутун туман бўйлаб тарғиб этилди. Кенгашимизда ибрат олгулик касабақўмлар кўп. 56-умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси Муҳиба Набиева, 46-умумтаълим мактаби етакчиси Шермамат Панжиевлар шулар жумласидан.

Бобомурод ХИДИРОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Касби туман кенгаши раиси

Бағрикенглик

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

«Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади».
(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасидан).

Халқимизнинг фидокорона меҳнати, тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик боис мамлакатимиз тараққиёт сари дадил одимламоқда. Жаҳон иқтисодиётидаги муаммолар чуқурлашиб, қатор мамлакатларда танг аҳвол давом этаётган бир пайтда иқтисодиётимиз барқарор суръатлар билан ривожланаётир. Аҳоли турмуш даражаси йилдан-йилга ўсмоқда.

Эришилган улкан ютуқ ва марралар замирида Юртбошимиз раҳнамолигида халқимиз томонидан эзгу мақсад — юрт тараққиёти ва ободлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар мужассам. Ана шундай бунёдкорлик жараёнида Республика байналмилал маданият марказининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Ўзбекистон — бағрикенг диёр. Бу иборани доим ифтихор билан тилга оламиз. Бунга асосимиз ҳам етарли. Тарихдан маълумки, халқимиз бошидан кечирган оғир қатағон ҳамда Иккинчи жаҳон уруши йиллари кўп ситамларга дуч келган корейс, немис, турк, поляк, грек, крим-татар ва бошқа миллат вакиллари юртимиздан паноҳ топди. Уларнинг бугунги авлодлари учун Ўзбекистон Ватанга айланди. Чунки улар шу заминда туғилди, камолга етди ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлди.

Ҳозирда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув, фаровон ҳаёт кечиряпти. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, қонуний манфаатини таъминлаш, таълим олиш, қизиқиш ва лаёқати бўйича касб-ҳунар эгаллаши, маданияти, урф-одатлари, анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантириши учун барча имкониятлар яратилган. Ҳозирда 140 дан зиёд миллий маданий марказлар ўз халқи анъаналари, маросимларини тиклаш, уларни Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллат вакилларига яқиндан таништириш, қолаверса, ўзбек халқининг маданияти, санъати, тили, урф-одатларини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар, табиийки, миллатлараро муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Ўзбекистон кўп миллатли давлат бўлиб, 1992 йилда ташкил этилган Республика байналмилал маданият маркази вақт ўтиши билан ўзига хос дўстлик уйига айланди. Марказнинг асосий вазифаси юртимиздаги миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишдан иборат.

Юртбошимиз маърузаларидан бирида: «Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамкорликдир», дея таъкидлаган эди.

Турли миллат вакилларининг тили, маданияти ва урф-одатларини авайлаб-асраш ҳамда ривожлантиришга хизмат қилиадиган миллий-маданий марказлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораяпти. 1989 йили ўнга яқин миллий-маданий марказ фаолият кўрсатган бўлса, 1995 йилга келиб, улар сони етмишга, 2000 йилда эса 100 тага етди. Ҳозирда 140 дан ортиқ миллий-маданий марказлар фаолият кўрсатмоқда.

Бундай юксак эътибор натижасида халқларнинг бой тарихий-маданий мероси қайта тикланди, қадр топди. Барча миллат вакиллари давлат бошқаруви, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий жараёнларда кенг ва эркин иштирок этмоқда. Умумтаълим мактабларида таълимни етти тилда олиб бориш йўлга қўйилгани, кўп сонли миллатлар тилида газета-журналлар чоп этилаётгани, радио ва теледастурлар эфирга узатилаётгани ҳам эътиборга лойиқ.

Ўтган йили республикамизда Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан бир гуруҳ фаолларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Ўзбекистон Фанлар академиясида «Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожи» мавзуида конференция ўтказилди. Унда шу номдаги янги китоб тақдимоти ва «Ягона оилада» номли ҳужжатли филм намойиши ҳам бўлиб ўтди. Бадиий академияда эса қатор ҳамкор ташкилотлар билан «Ватан тараққиёти — бизнинг кўп миллатли халқимиз ютуғидир» деб номланган ҳунармандчилик, санъат намуналаридан иборат кўргазма ташкил этилди. Шунингдек, «Ўзбекистон — умумий уйимиз» тўртинчи республика фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими уюштирилди. Бир ойдан кўпроқ давом этган кўргазма доирасида турли экскурсиялар ташкил қилинди, ижодкорлар билан учрашувлар ва кўплаб телерепортажлар тайёрланди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида «Миллатлараро тинчлик ва диний бағрикенглик — барқарорлик мезони» мавзуида республика семинари, «Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила» кўргазмаси, «Мустаҳкам оила — мамлакат таянчи» мавзуида давра суҳбатлари ўтказилди. Умуман, жойлардаги маданий-маърифий тадбирларда 35 мингдан кўпроқ фуқаро қатнашди.

Кези келганда, корейс миллати вакилларининг ўлкамизда яшаётганлигининг 75 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида ташкил этилган маданий-маърифий тадбирларда кўтаринки руҳ ҳукм сурганлигини таъкидлашни истардим.

«Истиқлол» санъат саройида Корейс маданий марказлари Ассоциацияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан машҳур ўзбек ва Жанубий Корея санъаткорлари иштирокида Дўстлик концерти ташкил этилди. Ҳар йилгидек Мустақиллик ва Конституция кунлари кенг нишонланди. Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан» шиори остида ташкил қилинган байрам тадбирида дипломатик корпус вакиллари ва бошқа фахрий меҳмонлар барча миллий маданий марказлар санъаткорлари иштирокида концерт томоша қилишди. Шунингдек, Конституция кунига бағишланган илмий-амалий конференция ҳам юқори савияда ташкил этилди.

Дарвоқе, Ой календари бўйича Хитой ва дунганларнинг Янги йили — «Чундце», корейсларнинг «Соллар», рус-украинларнинг «Масленица»-си, яҳудийларнинг «Ханукаси», арманларнинг «Вардавар», грузинларнинг «Ртвели», немисларнинг «Остерн», поляклларнинг «Вельканос», грекларнинг «Охи», татарларнинг «Сабантўй», крим-татарларнинг «Терендез» сингари байрамлари ҳам ҳар йили анъанавий тарзда кенг нишонланиб келмоқда.

Крим-татар халқининг атоқли фарзанди, Украина Қаҳрамони, Крим давлат индустриал-педагогика институти ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Февзи Ёқубов шундай ёзади: «...Эзгулик, тинчлик, яқинларга меҳр-муҳаббат туйғулари борасида гапирадиган бўлсак, албатта, биринчи қаторга Ўзбекистонни ёзиш зарур. Агар инсоний қадриятлар масаласида халқлар ва мамлакатларга баҳо бериладиган бўлса, шубҳасиз, энг юксак баҳога ўзбек халқи ва Ўзбекистон сазовор бўлар эди».

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида юртимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек асраш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифамиз бўлиб қолиши даркор, дея таъкидладилар. Республика байналмилал маданият маркази ва миллий маданий марказларнинг кўп қиррали фаолияти айнан шу вазифаларни бажаришга қаратилган.

Насриддин МУҲАММАДИЕВ,
Республика байналмилал маданият маркази директори

Матбуот анжумани

Ўзбекистон темир йўллари... Азалдан ушбу соҳани иқтисодиётимизнинг қон томирига менгзаб келишган. Барча соҳада бўлгани каби мустақиллик йилларида темирйўл тармоғида ҳам изчил ислоҳотлар, юксак бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мамлакатимизнинг шимолий ва жанубий ҳудудларини боғлайдиган «Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус» ҳамда «Тошгузор — Бойсун — Қумқўрғон» темирйўллари қуриб, фойдаланишга топширилди. Ўзбек темирйўлчилари томонидан Афғонистон Ислом Республикасида «Хайратон — Мозори Шариф» темирйўлининг бунёд этилиши, Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб, юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» поездлари қатновининг йўлга қўйилиши эса нафақат темирйўл тизимининг, балки мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг ёрқин исботига айланди.

ЭЛ КОРИГА ЯРАШ БАХТИ

«Ўзбекистон темирйўллари» Давлат акциядорлик темирйўл компанияси «2012 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ҳисоботи ҳамда 2013 йилдаги вазифалар» мавзусидаги матбуот анжумани қалам аҳлида катта қизиқиш уйғотгани бежиз эмас.

— Ўтган йилда темирйўл бекатларидан 62 миллион тонна юк жўнатилиши таъминланди, — деди акциядорлик компанияси раисининг ўринбосари Шерзод Исматуллаев. — Бундан ташқари, 11,4 миллион тоннадан зиёд транзит юклар ташилди. Республикамизга 10,5 миллион тонна импорт юклари келтирилди. Экспорт юкларини ташиш ҳажми 622 минг тоннага ёки 110,2 фоизга кўпайиб, 6,7 миллион тоннани ташкил этди. Шу билан бирга, 17,2 миллион йўловчи ўз манзилига етказиб қўйилди. Барча қайд этилган кўрсаткичлар 2011 йилга нисбатан анча юқори бўлганлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, маҳаллий хом ашё ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқариш Давлат Дастурига мувофиқ умумий қиймати 117,3 миллиард сўмни ташкил этувчи 20 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган эди ва у ортиғи билан бажарилди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперациявий биржа ўтказиш даврида умумий қиймати 122,7 миллиард сўмлик 55 та шартнома имзоланди. Яна бир муҳим жиҳат шуки, компания тизимида 651 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Мамлакатимиз темирйўлчилари Президентимизнинг «2011 - 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан бир қатор лойиҳаларни амалга оширмоқдалар. Ушбу қарорда белгилаб берилган муҳим вазифалардан бири — металл қуюв ишлаб чиқариш йўналишидаги ишлар якунига етмоқда. Ушбу лойиҳа қиймати 125 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

«Тошкент — Самарқанд» темирйўл участкасини «Afrosiyob» юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлари қатновига мослаштириш, поездларнинг хавфсиз ва кафолатли хизмат кўрсатишини таъминлаш мақсадида линиянинг икки босқичли «Янгиер — Даштобод — Зарбдор — Жиззах» ва «Ғаллаорол — 19-разъезд — Маржонбулоқ» участкаларида янги йўлларни қуриш ва электрлаштириш ишлари босқичма-босқич ва сифатли қилиб бажарилди.

«Ўзбекистон темирйўллари» компанияси жамоаси томонидан 2013 йилда 240 километрлик темирйўллар реабилитацияланади. Йил охиригача «Марқанд — Қарши» темирйўлини электрлаштириш якунига етказилади. Қуюв-механика заводининг қурилиши ҳам битказилади...

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

«Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси босқичма босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш Давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 9 октябрдаги 9а-сонли буйруғига асосан, Жондор тумани Охших қишлоқ фуқаролар йиғини Тўхсабо аҳоли пункти ҳудудида жойлашган ҳар бирининг умумий майдони 400,0 кв.метрдан иборат бўлган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган 2 (икки) та (1,2-сон) ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари қўйилмоқда.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 373 200 сўмдан.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида ерга бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш бўйича олди-сотди шартномасини тузиши ҳамда олди-сотди шартномасига асосан мулк учун тўловларни амалга ошириш юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача Бухоро шаҳри, Пиридастгир кўчаси 6-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади. Буюртманомаларни қабул килиш охирги муддати 2013 йил 11 март куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низом нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдолари 2013 йил 12 март куни соат 11:00 да савдо ташкилотчисининг савдолар майдончасида бўлиб ўтади.

Мазкур ер участкалари 2013 йил 12 март куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2013 йилнинг 12 апрел куни соат 11:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдо учун буюртманомаларни қабул килиш охирги муддати: 2013 йил 12 апрел савдоси учун 2013 йил 11 апрел куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларига қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини савдо кунига қадар «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамиятининг АТБ «Турон банк» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000704953182001, МФО: 00111, СТИР: 302118823. ХХТУТ: 83200.

Буюртманомалар қабул қилиш, қўшимча маълумотлар билан танишиш ва савдо ўтказиладиган манзил: Мустақиллик Пиридастгир кўчаси, 6-уй. тел: (+99894) 548-70-20, (+99893) 960-36-03, E-mail: g_b_t@list.ru Лицензия RR 00117

Хизматлар лицензияланган

Қарор ва ижро

ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

Сирдарё вилоятида 4000 га яқин фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда. Улар ажратилган 220 минг гектар ердан мўл ҳосил олиб, юртимиз равнақига ҳисса қўшиб келмоқда.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Айниқса, Президентимизнинг «Фермерлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони соҳани янада тараққий эттириш, фермерлик ҳаракатига эркинликлар бериш, янги замон талабларига мос бошқарув тизимини жорий этишга ҳуқуқий асос бўлди.

Унга асосан Фермерлар кенгашларига фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан судга давлат божи тўламасдан шикоят қилиш ҳуқуқи берилган. Бундан ташқари, фермер хўжаликларига ер майдонларини бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиялари таркибига тегишли туман фермерлар кенгашлари раисларининг киритилиши, кенгашларга фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларнинг фаолиятига тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол қатнашиш ҳуқуқлари берилиши мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Шунингдек, фармонда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ижро этувчи аппаратининг тузилмаси, ҳудудий ва туман фермерлар кенгашлари котибиятларининг намунавий тузилмалари маъқулланиб, уларга зарур ҳоналар ажратилиши, кенгашлар фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида тегишли кўрсатмалар берилган.

У. ГАДОЕВ,
Сирдарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси бош инспектори

«Respublika muik markazi» ЁАЖ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги Тошкент вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг 15.11.2012 йилдаги 22-к-сонли буйруғи ва 28.01.2013 йилдаги 01/14-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 77-уй манзилида сақланаётган «ГАЗ-53 А» русумли, 1987 йил ишлаб чиқарилган, д/р 10 АZ 486 бўлган бензовоз қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 9 445 293 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 7 март куни соат 11:00 да бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 5 март куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2013 йил 7 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 13, 20 март кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2013 йил 13 мартдаги такрорий савдолар учун 11 март куни соат 18:00, 20 мартдаги савдолар учун 18 март куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300.

Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А»уй.
Тел: 233-20-96. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 006231

Хизматлар лицензияланган

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамоаси Федерация Кенгашининг собиқ раиси **Ҳулкар ЖАМОЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.	Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Жиззах вилоят тармоқ касаба уюшмаси кенгаши жамоалари Бахмал туман кенгаши раиси **Бахритдин ЯХШИЛИКОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.	Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси бирлашма кенгашининг бўлим мудири Баҳром Сатторовга отаси **Ғаффор САТТОРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2013-yil 5-fevral № 15 (3208)

Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига

ҲАЙРАТЛАР ҲАҚИҚАТИ

Сўз салтанатининг султони Алишер Навоийнинг «Хамса»сини бошлаб берувчи достон «Ҳайратул-аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши») деб аталади. Шу ўринда «нега» деган савол туғилади беихтиёр. Имом ал-Бухорийнинг «Ал-адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари»)асарининг 52-бобидаги 94-ҳадисда «Абдуллоҳ ибн Умар: Аллоҳ Таоло Қуръони Каримда яхши бандаларни аброр (яхшилик қилувчилар) деб мақтади...», деган эътироф қайд этилган. Адабиётшунос олим Бойбўта Дўстқораевнинг қуйидаги фикрлари ҳам, шубҳасиз, тушунчамизни бойитишга хизмат қилади. «Нега шоир «аброр», яъни хўблар(яхшилар)гина ҳайратга тушиши мумкин деб ҳисоблаган? Чунки оми(бу арабча сўзнинг кўплиги «авом») одам ҳайратланолмайди. Ҳайратланса-да, ўз савиясига мос, ўз тушунча доирасига сиғадиган нарсалардан «ҳайрат»га тушиши мумкин».

Достоннинг бир боби ҳайратга лойиқ воқеликлардан бири — Сўз таърифига бағишланган.

Сўз гуҳарига эрур онча шараф,
Ким бўла олмас анга
гавҳар садаф.
Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ул,
Етти фалак ахтарининг буржи ул..

Шоир инсонни ҳайвондан ажратувчи муҳим сифат сўз, нутқ эканини, Тангри инсонга шу имкониятни бериш билан уни бошқа мавжудотлардан устун қилиб қўйганини таъкидлайди:

Тенгрики, инсонни қилиб
ганжи роз,
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.

Навоий маъноға эга бўлган сўзгина қимматли эканини, фақат маъно гавҳари соҳиби сўз дарёсининг ғаввоси бўла олиши, нуктадонлар сўз дурларини теришга мушарраф бўлишини уқтиради.

Мутафаккир шоир «аброр»ларнинг ҳайратига сабаб бўлган хилқатлардан яна бирини кўнгил деб билади ва унинг мадҳига бир неча бобларни бағишлайди.

Алишер Навоий кўнгил каъбасини оламнинг қибласи — Каъбадан устун қўяди. Чунки Каъба одамларнинг саждагоҳи, кўнгил эса Яратганнинг назаргоҳи, Унинг жилваси зоҳир бўладиган макондир:

Каъбаки, оламнинг эрур қибласи,
Қадри йўқ, андоқки кўнгул
каъбаси.
Ким бу эрур халойиққа эрур
саждагоҳ,
Ул бири холиққа эрур жилвагоҳ.

Инсоннинг дунё неъматларига кўнгил боғламаслиги, сахий бўлиши, хайр-эҳсон қилиши, бахилликнинг бало эканини, одобнинг ҳаётдаги аҳамияти, қаноатнинг хосияти, таъмагирликнинг офати, севги саодати, ростгўйлик ва ёлғончилик, дўстликнинг қадрига етиш, иллатлардан халос бўлиш йўллари, дунёнинг бевафолиги, жаҳолатнинг оқибатлари, умр фасллари, ҳаётни қадрлаш, мунир келажакка умид қилиш каби фикрлар асарнинг ғоявий мазмунини ташкил этади.

«Алишер Навоий — буюк шоир ва мутафаккир зот. Бу ҳақиқат қуёшдай барчага аён. Қуёшнинг таърифини такрорлайвериш эса шарт эмас. Аммо ана шу буюклик қудратининг ҳар бир асарда намоён бўлишини таҳлил қилиб кўрсатиш, маънолар жилосини англаш ва ундан ҳузурланиш, албатта, фойдалидир», деган эди адабиётшунос олим Нажмиддин Комилов.

«Ҳайратул-аброр» достонидаги маънолар жилосини англаб яшаш инсонни маънан юксалтиради. Негаки, шоирнинг ҳар бир байтида оламолам маъно мужассам. Ана шу маъноларни ёш авлодга англатиш эса биз педагогларнинг вазифамиз бўлиб, бу айни вақтда биздан тинмай ўқиб-ўрганишни ҳам тақозо этади.

Ибодат БОЗОРОВА,
Навоий педагогика коллежи хорижий тиллар кафедраси мудири

Кураш

Грециянинг Салоники шаҳрида ўзбек миллий кураши бўйича 2013 йилнинг дастлабки йирик мусобақаси — «Ислом Каримов» IX халқаро турнири бўлиб ўтди.

АЛПЛАР БЕЛЛАШГАНДА

Кураш халқаро ассоциацияси, Европа ҳамда Греция кураш федерациялари ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада дунёнинг ўттиз мамлакатидан ташриф буюрган юздан зиёд полвон уч вазн тоифасида беллашди.

66 кг.гача бўлган полвонлар мусобақасида ҳамюртимиз Жавлон Тоғаев барча рақибларини мағлуб этиб, олтин медал соҳибига айланди. Ушбу вазн тоифасида кумуш медалга грузиялик Нодар Цалугелашвили эгалик қилди, бронза медаллари грузиялик Георгий Ткемаладзе ва грециялик Мирман Илиадисга насиб этди.

81 кг. вазн тоифасида ҳам омад вакилимизга кулиб боқди. Финал беллашувида грузиялик Бекари Капанадзе устидан зафар қучган Рустам Саидов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ушбу вазнда бронза медалларига мезбонлар Давид Цокури ва Михелис Михаилидис сазовор бўлди.

Мутлақ вазн тоифасида эса болгариялик Иван Илиев олтин, грециялик Василиос Илиадис кумуш, вакилимиз Улуғбек Қўлдошев ва мезбон Дионисиос Илиадис бронза медал билан тақдирландилар.

Хоккей

Юртимизда қайтадан тикланган муз устида хоккей аста-секин ривож топмоқда. Фурқат номли маданият ва истироҳат боғида жойлашган «Муз саройи»да мазкур спорт тури бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳсларининг биринчи тури якунига етди.

ИЛК ЧЕМПИОНАТ

Илк бор ўтказилаётган чемпионатда ҳозирча «Бинокор», «Барс», «Акулалар», «Муз айиқлари»дан иборат тўрт жамоа куч синашмоқда.

«Бинокор» жамоаси «Барс» клуби хоккейчиларига 4:5 ҳисобида имкониятни бой берган бўлса, иккинчи учрашувда «Акулалар» жамоаси «Муз айиқлари»ни 6:5 ҳисобида мағлуб этди.

Иккинчи турда «Бинокор» клуби «Муз айиқлари»дан 6:4 ҳисобида устун келди. «Барс» ҳамда «Акулалар» ўртасида ўтказилган учрашувда эса асосий вақтда 4:4 ҳисобида дуранг натижа қайд этилди ва ғолиб жамоа буллит орқали аниқланди. Унда аниқроқ ҳаракат қилган «Барс» клуби хоккейчилари 5:4 ҳисобида зафар қучдилар.

— Чемпионат низомига кўра саралаш мусобақаси жорий йилнинг март ойига қадар давом этади. Энг кўп очко жамғарган жамоа 4-ўринни банд этган клуб билан, 2-ўрин эгаси эса 3-ўринни банд этган жамоа билан плей-офф босқичида ўзаро учтадан ўйин ўтказади. Ғолиб жамоалар Ўзбекистон чемпионатининг олтин медаллари учун куч синашадилар. Мағлубиятга учраганлар эса бронза медали учун баҳс юритадилар. Плей-офф босқичида бирор-бир жамоа кетма-кет икки ўйинда ғалаба қозонса, табиийки, учинчи ўйинга ҳожат қолмайди, — деди чемпионат ташкилотчиларидан бири, «Бинокор» жамоаси сардори Алишер Азимов.

Миллий ҳунармандчилик

Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони соҳани сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. Мазкур ҳужжат соҳага аҳолининг турли қатламлари, жумладан, ёшларни кенг жалб этиш, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари рақобатбардошлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этаётир.

ИМТИЁЗ ВА САМАРА

Мирзаобод тумани «Тошкент» маҳалласида яшовчи Раъно Нишонова эл таниган ҳунармандлардан бири. У фаолиятини якка тадбиркор сифатида бошлаган эди. Дастлаб оила аъзолари билан миллий хонтахта, стол-стул, шкаф ясарди. Тайёрланган бежирим ва сифатли маҳсулотга талабгорлар сафи кўпаявергач, ўз фаолиятини кенгайтиришга қарор қилди. У 2009 йилда «Гули Раъно нур жилоси» хусусий корхонасини ташкил этди. Корхонада хорижникидан асло қолишмайдиган, замонавий, ихчам, кўркам ва сифатли мебел маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Муҳими, маҳалладаги миллий ҳунармандчиликка иштиёқи баланд 20 нафар ёш доимий иш билан таъминланди. Айни кунда ушбу корхонада 15 дан зиёд турда мебел маҳсулотлари, хусусан, ётоқхона, ошхона, меҳмонхона учун мебел жиҳозларидан ташқари, офис учун стол-стуллар, китоб жавонлари, компютерлар учун столлар ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, болажонлар учун тайёрланаётган мебеллар бежирим ва чиройлилиги билан эътиборни тортади. Уларда болалар суйган халқ эртаклари қаҳрамонлари суратлари акс этган.

Корхонанинг Гулистон шаҳридаги савдо дўкони ҳамиша харидорлар билан гавжум. Эътиборли жиҳати, мижоз шу ернинг ўзида янги турдаги мебел жиҳозлари учун буюртма беришлари ҳам мумкин.

— Мамлакатимизда биз ҳунармандларга яратилган шарт-шароит соҳа ривожига туртки беряпти, — дейди Р.Нишонова. — Маҳсулотларимизни экспорт қилиш имкониятига ҳам эгамиз. Уларнинг миқдори ва қиймати бўйича ҳеч қандай чеклов йўқ. Аксинча, соҳа равнақи учун дунёнинг ривожланган мамлакатларида қўлланиладиган имтиёзлар берилган. Бу миллий ҳунармандлар учун қўл келиши билан бирга, юртимиз салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

Анорбой НОРҚУЛОВ

БЎШ ВАҚТ — ХУШ ВАҚТ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 241-умумтаълим мактабида 450 нафар ўғил-қиз таълим олади. Бу ерда ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида миллий ҳунармандчилик тўгараги фаолияти самарали йўлга қўйилган.

Суратларда: ўқувчилар Фотима ва Зуҳра Мавлоновалар тиккан буюм; ўқувчи Гўзал Иброҳимова.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

Футбол

Бирлашган Араб Амирликларидаги йиғинда Ўзбекистон миллий терма жамоаси сўнгги ўртоқлик учрашувини Озарбойжон миллий терма жамоаси билан ўтказди.

БИР ҒАЛАБА, БИР МАҒЛУБИЯТ, БИР ДУРАНГ

Ўйинда ҳисоб очилмади. Бунгача Миржалол Қосимов шогирдлари Россиянинг «Краснодар» жамоасига 0:1 ҳисобида имкониятни бой берган, Россиянинг бошқа бир клуби — «Урал»ни шундай ҳисобда мағлубиятга учратган эди.

— Бугун яхши, қизиқарли ўйин гувоҳига айландик, деб ўйлайман. Ҳар иккала терма жамоада ҳам дарвозани ишғол қилиш учун вазиятлар бўлди. Футболчиларимиз янги мавсумга тайёргарликни энди бошланаётгани учунми, уларга бироз ўйин амалиёти етишмаётгани сезилди. Жамоамизнинг асосий эътибори 6 феврал куни Гонгконг терма жамоасига қарши Осиё Кубоги — 2015 саралаш ўйинига қаратилган, — деди Миржалол Қосимов ўйиндан сўнг.

Теннис

Наманган шаҳридаги «Паҳлавон» спорт мажмуаси кортларида теннис бўйича Девис кубогининг дастлабки босқичи ўтказилди. Унда Ўзбекистон ва Хитой терма жамоалари баҳс олиб борди.

ЮТУҚ БИЗДА!

Биринчи бўлиб кортга Денис Истомин ҳамда Ди Ву чиқди. Дастлабки икки сетда имкониятни бой берган ҳамюртимиз қолган сетларда нафақат мувозанатни тиклашга, балки учрашувни ўз фойдасига ҳал этишга муваффақ бўлди.

Фаррух Дўстов ҳамда Зе Занг баҳсида вакилимиз 3:2 натижаси билан устунликка эришди.

Мамлакатимиз ракетка усталари иккинчи куни баҳсда 3:0 ҳисобида зафар қучдилар.

Учинчи кун Сарвар Икромов бугунги кунда (дунё теннис таснифида 554-ўринни эгаллаб турган бўлса-да) Хитойнинг биринчи рақамли теннисчиси, дунё теннис таснифида 58-ўринни банд этиб турган Зе Жангни икки сетда 6-3, 7-5 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Шундан сўнг кортга эндигина 18 ёшни қаршилаган умидли теннисчимиз Темур Исмоилов ва Хитойнинг 2-рақамли спортчиси Ди Ву чиқдилар. Мазкур учрашув ёш теннисчимиз учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтаб берди — 4:1.

Ўзбекистон терма жамоаси навбатдаги босқичда Австралия термасига қарши ўйнайди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Qishloq Qurilish Bank

Юртбошимиз ташаббуси билан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ ташкил этилган эди. Ўтган даврда банк фаолияти, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлашга қаратилди.

БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДА

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2009 йилдан буён республикамиз қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши бошланган ва бугунги кунда ҳам бунёдкорлик жадал суръатда олиб борилмоқда. Мамлакатимизнинг қишлоқ туманларидаги уй-жойлар қурилиши учун ажратилган массивларда 2009-2011 йилларда 15 047 та уй-жой барпо этилди. Бунга аҳолининг 405,2 млрд. сўмдан зиёд маблағи ҳамда марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан қарийб 650,9 млрд. сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 11 январдаги «Қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини Осиё тараққиёт банки иштирокида кўп траншли молиялаштириш Дастури бўйича амалга ошириладиган устувор чоралар тўғрисида»ги Қарори билан «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини молиялаштириш режаси, шунингдек, 2012-2015 йилларда «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тасдиқланган. Унга кўра, Осиё тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан 159,6 млн. АҚШ доллари ёки 303,4 млрд. сўм миқдорида маблағ ўзлаштирилиб, тўлиқ миқдорда қишлоқ жойларда намунавий уй-жой қурилиши учун йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 14 январдаги «2012 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 272 та қишлоқ массивида 8510 та намунавий уй-жой қурилиши якунига етказилаётган бўлиб, қурилаётган уй-жойларнинг умумий қиймати 905,9 млрд. сўмни, шундан 535,4 млрд. сўми «Қишлоқ қурилиш банк»нинг имтиёзли ипотека кредитлари ва 370,5 млрд. сўми аҳолининг ўз маблағларидан ташкил топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 январдаги «2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастури тўғрисида»ги Қарори билан 2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар, ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини қуриш Дастури маъқулланган бўлиб, ушбу қарорга асосан жорий йилда республикамиз ҳудудларида умумий майдони 997, 1 гектарни ташкил этувчи 353 та массивда 10 мингта уй-жой қурилиши кўзда тутилмоқда. Барпо этиладиган уйларнинг 8510 таси Осиё тараққиёт банкининг кредит линияси ҳисобига ва 1490 таси эса банкларнинг имтиёзли ипотека кредити ва Молия вазирлигининг мақсадли кредит линияси ҳисобига қурилиши мўлжалланмоқда.

Айни пайтда жорий йилда бунёд этиладиган уй-жойлар учун буюртмалар қабул қилиш билан бирга қурилиш ташкилотларини аниқлашга тайёргарлик кўрилмоқда. Фуқаролар эса «Қишлоқ қурилиш банк»нинг янги уй-жойлар учун «Қурилишга бошланғич бадал» омонатига ўз маблағларини қўймоқдалар.

Буларнинг барчаси келажакка ишончнинг ёрқин кўринишидир. Молия муассасаси эса озод ва обод Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, аҳоли фаровонлигини оширишга муносиб улуш қўшишда давом этаверади. Банкнинг янада равнақ топиши, мижозларга хизмат кўрсатиш кўлами кенгайиши, сирасини айтганда, тараққиётга камарбасталиги кучайиб бораётганлиги иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, аҳоли фаровонлиги янада ошишига хизмат қилади.

Банк матбуот хизмати

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
N.Rafiqov
Navbatchi:
A. Arslonov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 20. 00
Topshirildi - 20. 00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 211 | 21503 nusxada bosildi | 2 3 4 5